“ИЖТИМОИЙ ХОДИМНИНГ БИР КУНИ”

Ғаниева Дилфуза Алижоновна
Ўзбекистон Республикаси Президенти Хузуридаги ижтимоий химоя миллий агентлиги, Сирдарё вилояти Оқолтин тумани обод махалласида комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим

Received: 20.08.2025
Revised: 21.08.2025
Accepted: 22.08.2025
Калит сўзлар:
ижтимоий ходим, ижтимоий хизмат, ёрдамга муҳтож аҳоли, фаолият, инсонпарварлик, масъулият, жамият, мулоқот

Аннотация
Ушбу ишда ижтимоий ходимнинг кундалик фаолияти, унинг жамиятдаги ўрни ва мажбуриятлари ёритиб берилган. Ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами билан ишлаш жараёнлари, учрайдиган қийинчиликлар ва уларни енгиб ўтишдаги ёндашувлар таҳлил қилинган. Иш жараёнида ижтимоий ходимнинг инсонпарварлик, сабр-тоқат, мулоқот маданияти каби шахсий фазилатлари муҳим ўрин тутади. Ушбу мавзу орқали ижтимоий хизмат соҳасининг аҳамияти ва мазкур касб эгаларига бўлган эҳтиёж ҳамда ҳурмат ҳақида фикр юритилади.

Бир кун, минглаб тақдир:

Жамиятда кўзга кўринмайдиган, лекин жуда мухим бир касб бор. Улар ортиқча шовқин-суронсиз, хар куни кимнингдир ҳаётини ўзгартиришга харакат қилади. **Булар-ижтимоий ходимлар**.Улар нафақат ёрдамга мухтож инсонларнинг муаммоларини ҳал қилади, балки уларга умид, ишонч ва келажакка бўлган иштиёқини қайтаради. Ижтимоий ходимнинг бир куни оддий иш куни эмас, балки инсонийлик, сабр ва мехр билан тўла бир саргузаштдир.

Ижтимоий ходимнинг эртанги тонгги одатда бир финжон қахва ва олдинги кун режаси билан бошланади. Унинг рўйхатида бир неча оила, ёлғиз қариялар ёки ёрдамга мухтож болалар бўлиши мумкин. Ҳар бир холат алохида ёндашувини талаб қилади. Бугунги кун режасига кўра, ижтимоий ходим биринчи бўлиб имконияти чекланган фарзанди бор оиланинг уйига йўл олади. Оиланинг асосий муаммоси-бола учун ногиронлик аравачаси олишда ҳужжатларни расмийлаштиришда қийналаётгани. Ижтимоий ходимнинг вазифаси-бу жараённи осонлаштириш ва керакли ташкилотлар билан боғланишда ёрдам бериш.



Кун давомида ижтимоий ходим турли одамлар билан учрашади. Уларнинг баъзилари ўз муаммоларини очиқ айта олмайди, баъзилари эса ёрдам сўрашдан тортинади. Ижтимоий ходимнинг энг муҳим кўникмаси-бу одамлар билан тил топишиш, уларнинг ишончига кириш ва эшита олиш. У фақат мутахассис эмас, балки суҳбатдош, маслаҳатчи ва ҳатто дўстга айланади.

Кейинги манзил-саратон касали билан оғриб келувчи 2 гурух ногирони Мўминов Назиржон Шамситдинович-муаммоси бир нафар вояга етмаган фарзанди учун болалар нафақаси олиш. У кўп марта болалар нафақаси олиш учун хужжат топширган, аммо турмуш ўртоғи ишсиз бўлганлиги сабабли, рад жавоби келаверган. Ижтимоий ходим фуқаро Мўминов Назиржонни хонадонига ташриф буюриб, Камбағаллик реестирига киритиб, болалар нафақаси олишда кўмаклашди.



Бу аслида оддий иш, лекин Назиржон ака учун катта ёрдамдир. Унинг кўзларида пайдо бўлган миннатдорчилик ҳар қандай қийинчиликни унутишга ёрдам беради.

Кечга яқин ижтимоий ходим ўз кабинетига қайтади. У кун давомида олинган маълумотларни тартибга солади, ҳисоботлар ёзади ва эртанги кун учун режалар тузади. Ишнинг бу қисми зерикарли туюлиши мумкин, аммо бусиз тизимли ва самарали ёрдам беришнинг иложи йўқ. Унинг иши фақат одамлар билан учрашишдан иборат эмас, балки юридик жараёнлар билан ҳам ишлашни талаб қилади.

Кун охирида у ўзига савол беради: “Бугун кимнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатдим?”. Ва жавоб ҳар доим унинг қалбини иситади. Ижтимоий ходимнинг бир куни чарчоқ билан якунласа ҳам, у инсонларга ёрдам берганидан қаноат топади. Бу касбнинг асосий мукофоти-бу моддий бойлик эмас, балки инсонларнинг ҳаётини яхшиланганлигидан келадиган ички хотиржамликдир.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ходим — жамиятда мурувват, ёрдам ва инсонпарварликни амалга оширувчи энг муҳим касб эгаларидан биридир. Уларнинг кундалик меҳнати кўпинча кўзга ташланмаса-да, жамият тараққиёти ва аҳоли фаровонлигида алоҳида ўрин тутади. Улар муаммоли ҳолатларда тўғри йўл топиш, ёрдамга муҳтож инсонларга юракдан кўмак бериш орқали жамиятда меҳр-оқибат муҳитини шакллантирадилар. Шу боисдан, ижтимоий хизмат соҳасини янада ривожлантириш, ходимларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонуни. — Тошкент, 2021 йил.
2. “Ижтимоий хизмат ва ижтимоий иш” (ўқув қўлланма) / Таҳрир ҳайъати: Ш.Юнусова, Д.Мамарасулова ва бошқ. — Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2020.
3. Абдукаримова З.А. “Ижтимоий иш асослари”. — Тошкент: “Нур-Пойтахт”, 2019.
4. Жамолова М.Т. “Ижтимоий иш назарияси ва амалиёти”. — Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2022.